

# ШАРТНОМА № 32

23.09.2022

-сон

Булоқбоши тумани

Амалдаги Низом асосида иш юритувчи, кейинчалик «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб юритилувчи "Бекмирза келажаги савдо" МЧЖ номидан иш юритувчи А.Насирдинов бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш юритувчи кейинчалик «ХАРИДОР» деб юритилувчи Булоқбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси номидан бюджет раҳбари А.Ўрмонов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги мақсадларга тузилди.

## I.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» мазкур шартнома бўйича «ХАРИДОР» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги махсулотларни етказиб бериш, «ХАРИДОР» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. Етказиб бериладиган, олинадиган махсулотларнинг шартнома тузиш вактидаги тури, миқдори, нархи куйидагича сўмда)

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	ҚҚСИ стафкаси	ҚҚСИ Суммаси	ҚҚСИ хисобга олган суммаси
1	Шлакаблок	Дона	6375	3536	22542000			22542000
2	Шлакаблок қизил рангли	Дона	940	8000	7520000			7520000
3	Тумба шлакаблок	Дона	260	9000	2340000			2340000
4	Тумба шлакаблок қизил рангли	Дона	623	10500	6541500			6541500
5	Усти тумба шлакаблок қизил рангли	Дона	70	23500	1645000			1645000
6	Усти шлакаблок қизил рангли	Дона	750	12500	9375000			9375000
<b>Жами:</b>		<b>x</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>49963500</b>			<b>49963500</b>

## .ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 2.1 Мазкур шартноманинг умумий баҳоси **49963500** (Кирқ тўққиз миллион тўққиз юз олтминиш уч минг минг беш юз) сўмни ташкил этади.
- 2.2 Хисоб китоб «ХАРИДОР» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.3 Шартнома рўйхатга олиниб «ХАРИДОР» етказиб бериладиган махсулотлар суммасининг **30%** изини олдиндан аванс тарикасида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.4 Қолган **70%** изи, етказиб берилган махсулотлар хисоб варак фактуралари асосида ўтказиб берилади.
- 2.5 «ХАРИДОР» томонидан **30%** миқдордаги тўлов олдиндан амалга оширилгандан сўнг, «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» мазкур шартномада кўрсатилган миқдорида ва нархларда давлат стандартига жавоб берадиган, махсулотларни «ХАРИДОР»га 3 кун муддат ичига етказиб беради.

## III.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. «ХАРИДОР» нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» дан шартномани бажариш учун амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

Махсулотлар «ХАРИДОР» томонидан олиб келинганда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» дан олиб кетиш харажатларини қоплашни талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганида, бажарилмай қолиши натижасида зарарни коплаш «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»дан талаб қилиш.

Товарни қабул қилишда «ХАРИДОР»-уни миқдори, сифати, ассортименти ва рўйхатини «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан берилган маҳсулот етказилганинги тасдиқловчи хужжат (хисоб-фактура) асосида, ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

«ХАРИДОР» ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган товарларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиб олади.

«ХАРИДОР» томонидан товарларни ва тегишли хужжатларни (хисоб-фактура) қабул килганидан сўнг, шартноманинг 2.4 бандига мувофиқ «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» хисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўловларни амалга оширади.

### 3.2. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» куйидаги хукуқ ва мажбурияларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдидан хақ тўланиши ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб-китоб килиниши «ХАРИДОР»дан талаб қилиш;

Маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ «ХАРИДОР» буюртманомасига асосан белгиланган муддатларда хамда сифат ва миқдорда талабга жавоб берувчи маҳсулотларни етказиб бериш;

3.3 «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан етказиб берилган товарлар ичida яроқсиз товар мавжудлиги ёки ишлаб чиқаришга оид нуқсонлар аниқланганлиги хакида хабар олган кундан бошлаб, «ХАРИДОР»га 3 (уч) кун муддат ичida уларнинг қийматини тўлиқ коплаб беради ёки харидор билан келишган холда яроқсиз товарларни сифатли товарларга алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олади.

«ХАРИДОР»га товарларини етказиб бериш вақтида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товарга бўлган кафолат муддатларини ва сифат сертификатлари нусхаларини тақдим этади.

«ХАРИДОР» товарларни қабул килганидан сўнг «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан тегишли хужжатлар (хисоб-фактура) «ХАРИДОР»га ўз вақтида расмийлаштириб берилмаса, шартномада кўрсатилган муддатларда маблағларни тўлиқ «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» хисобига ўтказиб бериш кафолатланмайди.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлар ва талабларига мувофиқ бажарилиши талаб қилининади.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. «ХАРИДОР» томонидан талаб қилинган муддатларда маҳсулотлар етказиб берилмаса, ушбу маҳсулотларни қабул қилиниши рад этишга хаклидир.

4.3. «ХАРИДОР» илгари берилган буюртманомада белгиланган муддатларини ўзгаришишга хаклидир, бу хақда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор киласди.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари кечикирилган ёки ўз вақтида етказиб берилмаган тақдирда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «ХАРИДОР»га кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўлиқ бажаришдан ва маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари кечикирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги оқибатида етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида хақ тўланмаган тақдирда «ХАРИДОР» «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 % изидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа холатлар қонунчиликда белгиланган тартибда хал этилади.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA  
№ BF3741145020**

1. Loyihaning turi

**shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Maxsulot sotib olish shartnomasi**

«YeTKAZIB BERUVCHI» deb yuritiluvchi “BEKMIRZA KELAJAK SAVDOSI” MChJ nomidan ish yurituvchi A.Nasirdinov bir tomondan va amaldagi Nizom asosida ish yurituvchi keyinchalik «XARIDOR» deb yuritiluvchi Buloqboshi tuman Obodonlashtirish boshkarmasi nomidan byudjet tashkiloti raxbari A.O‘rmonov ikkinchi tomondan «YeTKAZIB BERUVCHI» mazkur shartnoma bo‘yicha "XARIDOR" ga o‘zaro kelishilgan miqdorda va muddatlarda shartnomaning umumiy qiymatidan oshmagan summadagi “Shlakoblok” yetkazib berish, «XARIDOR» esa yetkazib berilgan maxsulotlarni qabul qilib olib, amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq belgilangan tartibda to‘lovlanri amalga oshirish majburiyatini o‘z zimmasiga oladi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

**Buloqboshi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi 20.09.2022 yil**

Loyiha: O‘zbekiston Respublikasi “Xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunchiligi talablariga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil “21” sentabr.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**Sh.Abduraximov**